



ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ ТАСВИРИДА “ДЎСТЛИК” КОНЦЕПТИНИНГ ВЕРБАЛИЗАЦИЯСИ

*Toshtemirova Nozima Anvarjon qizi,
Qo‘qon DPI 1-bosqich tayanch doktoranti
Tel:936449055*

Email : nozimakhontoshtemirova@gmail.com

ANNOTATSIYA Maqolada ingliz tiliдаги оламнинг лисоний тасвирида “дўстлик” концептининг вербализацияси ҳақида гап боради. Дўстлик тушунчасини ўрганиш маълум бир жамиятнинг маданиятини ўрганишни ўз ичига олади, унга рухий жараёнларни, фолклор, адабиёт, оммавий ахборот воситалари, дин ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Инглиз тилидаги “дўстлик” тушунчасининг келиб чиқиши қадимги инглизча “*фреонд*” дан, голландча “*Вриенд*” ва немисча “*Фреунд*” билан боғлиқ бўлиб, ҳинд-европа тиллари илдизидан келиб чиқиб “севиш” деган маънони англатади. Шундай қилиб, айтишимиз мумкинки, бу муносабатлар “севги” га асосланган эди, аммо ҳозирги вақтда у биров бошқача семантик маънога эгадир.

Калит сўзлар: концепт, вербализация, дўстлик тушунчаси, семантик маъно, концептуал структура, прототипик принцип, тезаурус луғатлар, синонимлар луғати.

ВЕРБАЛИЗАЦИЯ КОНЦЕПТА «ДРУЖБА» В ЯЗЫКОВОМ ОПИСАНИИ МИРА НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

АННОТАЦИЯ В статье рассматривается вербализация концепта «дружба» в языковой репрезентации мира в английском языке. Изучение концепции дружбы предполагает изучение культуры конкретного общества, которая может включать духовные процессы, фольклор, литературу, средства массовой информации, религию и многое другое. Происхождение понятия «дружба» в английском языке связано с древнеанглийским «*freund*», голландским «*Vriend*» и немецким «*Freund*», которые происходят от индоевропейского корня, означающего «любить». Итак, можно сказать, что эти отношения были основаны на «любви», но в наши дни она имеет несколько иное семантическое значение.

Ключевые слова: концепт, вербализация, концепт дружбы, семантическое значение, концептуальная структура, прототипический принцип, тезаурусные словари, словарь синонимов.

VERBALIZATION OF THE CONCEPT OF "FRIENDSHIP" IN THE LINGUISTIC PICTURE OF THE WORLD IN ENGLISH

ANNOTATION The article deals with the verbalization of the concept of “friendship” in the linguistic description of the world in English. The study of the concept of friendship involves the study of the culture of a particular society, which can include mental processes, folklore, literature, the media, religion, etc. The origin of the concept of “friendship” in English is associated with the Old English “freund”, the Dutch “Vriend” and the German “Freund”, which, based on the Indo-European root, mean “to love”. Thus, we can say that these relationships were based on “love”, but now it has a slightly different semantic meaning.

Key words: concept, verbalization, concept of friendship, semantic meaning, conceptual structure, prototypical principle, thesaurus dictionaries, dictionary of synonyms.

КИРИШ. Инсоният ҳеч қачон якка ҳолда мавжуд бўлмаган: ҳар бир инсон ўз муҳитига эга бўлиши ва уни ўраб олганлар билан маълум муносабатда бўлиши керак бўлади. Қадим замонлардан буён, ота-боболаримиз Ерда яшагандан бери, жамият ҳис-туйғулар ва муносабатларни фарқловчи тушунчалар бўлиб хизмат қилган оила, севги, дўстлик, нафрат ва бошқалар каби воқеликлар пайдо бўлган. Дўстлик тушунчасини ўрганиш маълум бир жамиятнинг маданиятини ўрганишни ўз ичига олади, унга руҳий жараёнларни (психология, фалсафа), фолклор, адабиёт, оммавий ахборот воситалари, дин ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Инглиз тилидаги “дўстлик” тушунчасининг келиб чиқиши қадимги инглизча “*фреонд*” дан, голландча “*Вриенд*” ва немисча “*Фреунд*” билан боғлиқ бўлиб, ҳинд-европа тиллари илдизидан келиб чиқиб “севиш” деган маънони англатади. Шундай қилиб, айтишимиз мумкинки, бу муносабатлар “севги” га асосланган эди, аммо ҳозирги вақтда у бироз бошқача семантик маънога эгадир.

Инглиз тилида “дўстлик” концептини вербаллаштирувчи тил бирликларини танлаш, ўрганилаётган тил бирликларининг концептуал мазмунини ҳисобга олган ҳолда ўтказилди ва ўзида бир нечта босқичларни камраб олди. Биринчи босқичда тил бирликларининг маънолари изоҳли луғатлар бўйича таҳлил қилинди[1.1309]. Таҳлил натижасида “дўстлик” концептининг анчайин умумлашган, ҳеч қандай усул, манба ва шарт-шароитни кўрсатмаган ҳолда ифода қилувчи бирликлари танлаб олинди: инглиз тилида *amigo, buddy, chum, comrade, confidant, confidante, crony, familiar, intimate, mate, musketeer, pal* лексик бирликлари; ўзбек тилида *дўст, ўртоқ, ошно, ёр, маҳбуб(а), таниш, дўстлик* каби лексик бирликлари.

Кейинроқ концептнинг бир ва бир неча доимий бўлмаган компонентларини фаоллаштирувчи ҳамда кўшимча концептуал белгиларни ўзида мужассам этган тил бирликларининг айрим синонимлари аниқланди. Изоҳли луғатларда “дўстлик” концептини вербализацияловчи тил бирликлари гуруҳидан жой олмаган тил

бирликларининг синонимларини аниқлаш мақсадида қўшимча бошқа тезаурус луғатлар, синонимлар луғати ва тилларнинг замонавий изоҳли луғатларидан ҳам фойдаланилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР. Бир нечта мавзуга оид диссертацияларда “дўстлик” тушунчаси билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилган, жумладан, М. Хизованинг “Рус ва инглиз тил маданиятида “дўстлик” тушунчаси”[2], бунда “дўстлик” тушунчаси фақат лингвوماданий нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Е.В. Зацепина ишида “дўст” концепти немис ва рус паремияларида романтизм давридаги немис пьесалари таржималари материаллари асосида кўриб чиқилган[3]. Н. Ю.Толчина рус ва инглиз тилларида сўзлашувчиларнинг замонавий миллий онгида мавжуд бўлган дўстлик қиёфасини ўрганиш учун сўровнома ўтказди. Тадқиқот натижалари, она тилида сўзлашувчилар билан ўтказилган ассотсиатив эксперимент маълумотларига асосланиб, “дўст” ва “дўстлик” тушунчаларининг индивидуал компонентларини идрок этишдаги фарқларга қарамай, бир-бирини тушуниш деган хулосага келишимизга имкон берди. Бу жамиятларда дўстлик ўхшаш ва дўстларнинг умумий қадриятларга бўлган муносабати фарқ қилади [4,176].

“Дўстлик” концептини вербализацияловчи тил бирликлари структураси ва концептуал мазмунидан келиб чиққан ҳолда, “дўстлик” концепти туркумига кирувчи бирликлар синфига қуйидаги мезонлар бўйича тартиб бердик: 1) ҳар бир тил бирлигининг концептуал структураси юқорида зикр этилган концептнинг доимий компонентларини ўз ичига олиши керак; 2) концептнинг ҳеч бўлмаса битта концептуал белгиси тил бирлиги семантикасида мужассам бўлиши зарур.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА. Танлаб олинган тил бирликлари луғавий таърифларининг компонент таҳлили, улар семантикасида “дўстлик” концептининг турли даражада фаоллашуви босқичларини аниқлаш имконини берди. “Дўстлик” концепти интеграллашган шаклда инглиз тилида *friend, friendship, buddy, chum, comrade, confidant, confidante, crony, familiar, intimate, mate musketeer, pal* ўзбек тилида *дўст, ўртоқ, ошно, ёр, маҳбуб(а), таниш, дўстлик* тил бирликларининг семантик структураларида намоён бўлади ва у дўстликни ифода қилувчи кенг спектрдаги маъно (лексик-семантик вариант)ни ўзида мужассам этади. Ушбу тил бирликлари “дўстлик” концептини фаоллаштирувчи бирликларнинг барчасига прототипик вакил ҳисобланади.

Марказдан узоқда бўлган лексемалар маълум контекстдан ташқарида “дўстлик” концептини фаоллашувини таъминлай олмайди, “дўстлик” концептини функционал қатламда ифода қилган бирликлар ва бошқа қатламда ўрганадиган лексик-семантик туркумлар мавжуд.

Шундай қилиб, марказдан узоқда бўлган бирликларни прототипик хусусиятга эга бўлмаган бирликлар ташкил қилади, аммо албатта, комплекс бўлмаган бу концептуал белгилар микдори, яъни улардан бирининг ёки бир нечтасининг бўлмаслиги ёки улар интенсивлигининг ўзгарганлигида ва бошқа белгиларнинг доимий бўлмаган бирликлари

билан изоҳланиши мумкин [5]. Шу нарсани таъкидлаш муҳимки, марказдан узоқда бўлган лексемалар тўлдириш учун очик ҳисобланишади, шу сабабли прототипик принципда ташкил бўлган категориялар чегаралари унчалик қатъий бўлмаган характерга эга ва улар бошқа категорияларнинг қўшилиб кетишига имкон беради.

Шу ўринда “дўстлик” тушунчасига ўзимизнинг ишчи таърифимизни келтириб ўтамиз. **Бизнинг фикримизча, дўстлик бу – қарашлари, дили, иш фаолияти яқин бўлган, иноқлик, ахиллик билан боғланган икки ёки ундан ортиқ кишидан иборат бўлган шахсларнинг ўзаро яқинлигидир.** “Дўстлик” концептини фаоллаштира оладиган тил воситалари психологик, нутқий, ҳиссий-таъсир характерига эга, ва айти пайтда, “дўстлик” концептинини фаоллаштирувчи тил бирликлари сифатида ягона макон остига бирлашади. Буни қуйидаги жадвал асосида кўрсатиш мумкин:

Инглиз тилида “дўстлик” концептининг лексик майдони		
№	Концептни фаоллаштира оладиган асосий луғавий бирликлар	Концептни фаоллаштира оладиган Friend, Friendship луғавий бирликларининг семантик худуди
1	Friend (дўст)	Сиз бирга бўлишни ёқтирган шахс
2	Friendship (дўстлик)	Дўст бўлиш, дўстлар орасидаги алоқа

Концептни фаоллаштирувчи тил бирликлари “дўстлик” концептининг нутқда воқеланишини таъминловчи асосий унсурлар ҳисобланади. Қуйида ушбу тил бирликларининг концепт фаоллашувида тутган ўрни ва хусусиятларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Инглиз тилида “дўстлик” концепти фаоллашувида марказий ўринлардан бирида турувчи бу *friend* тил бирлиги ҳисобланади. Ушбу тил бирлиги нутқда турли вазифаларда келиши мумкин. *Friend* тил бирлиги от сифатида қуйидаги маъноларни ифода қилади.

а) Сиз бирга бўлишни ёқтирган, сизга яқин кимса маъносида. Масалан, *I'd like you to meet my friend.* Сизга дўстимни таништиришни ҳоҳлайман. *She is such a good/close/dear friend (of mine).* Бу қиз менинг энг яқин дугонам.

б) Бирон бир кимсага ёрдам қўлини чўзувчи инсон (хайрия ишларида) маъносида. *She is a friend of the environment.* [=she supports environmental causes] У табиатнинг дўсти. *The strikers knew they had a friend in the senator.* [=knew that the senator supported them] Қўзғолончилар сенатда ўзларнинг дўстлари борлигини билишарди. *Are you friend or foe?* [=do you support us or oppose us?] Сиз бизга дўстми ёки душман?

в) душман бўлмаган инсон маъносида. *Is he a friend or an enemy?* У дўстми ёки душманми?

г) бирон бир ишни қўллаб қувватловчи (хайрия ишлари каби) инсон маъносида. *The friends of the library will host a fund-raiser.* Кутубхонани қўллаб қувватловчи инсонлар фондга мезбонлик қилишади.

Инглиз тилида “дўстлик” концептини нутқда фаоллаштирувчи тил бирликларидан бири бу - *friendship* сўзидир. “Дўстлик” концептининг фаоллашувида *friendship* тил бирлиги ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Қуйида ушбу тил бирлигининг ифодаланиш воситаларига тўхталиб ўтамиз.

а) дўст бўлиш: дўстлар ўртасидаги алоқа маъносида. They have a long-standing *friendship*. [=they have been friends for a long time] Улар анчадан бери дўстдирлар. They struck up a *friendship*. [=they became friends]. Улар дўст бўлишди. She formed many lasting *friendships* [=she made and kept many friends] during her time in college. Қиз коллежда ўқиган пайтида жуда кўп дўстлар орттирган.

б) икки давлат ўртасидаги дўстлик a *friendship* between two countries. They have enjoyed many years of *friendship*. Улар кўп йиллик дўстликдан мамнундирлар.

с) дўстона туйғу, муносабат: сахийлик, кимгадир қилинган ёрдам маъносида. He was encouraged by the *friendship* his coworkers showed him. У бирга ишлайдиганлари томонидан кўрсатилган дўстликдан ғурурланиб кетди.

Шундай қилиб, “дўстлик” концептининг ўзига хос хусусиятлари инсон туйғуларини позитив равишда сўзловчига етказилишини таъминлайди.

“Дўстлик” тушунчасини таҳлил қилганда, биз дунёнинг инглиз тилидаги тасвиридаги “дўстлик” тушунчасини, яъни учта асосий компонентни ўз ичига олган мураккаб тузилган яхлитликни кўриб чиқамиз. Дунёқараш, дунёни қабул қилиш ва дунёни ҳис қилиш компонентлар дунё тасвирида маълум бир давр, этнос ёки субкултурага хос тарзда бирлаштирилади.

Маданий тилшунослик ва когнитив тилшунослик, олимларнинг фикрича, бир-бири билан яқин алоқада ривожланмоқда. Сўнгги пайтларда когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчаси “концепт” га бағишланган кўплаб ишлар мавжуд, аммо когнитивистлар ҳозирча бу атаманинг ягона таърифига келмаганлар. Концептларни таҳлил қилиш ва талқин қилиш ҳали ҳам мураккаб ва ноаниқдир. Р.М. Фрумкин ва В.А.Маслова “ҳар хил тиллар ҳақиқатни ҳар хил тарзда” тушунтиради” эмас, балки турли хил тушунчалар ҳам шу тилнинг битта сўзининг орқасида туриши мумкин ...[6,31]” деган хулоса беради, “... маъноларни талқин қилувчилар сифатида тушунчалар ҳар доим такомиллаштирилиши ва ўзгартирилиши мумкин. Улар фақат пайдо бўлишининг бошида амалга ошадиган объектлардир, лекин кейинчалик улар тизимнинг бир қисми бўлиб, бошқа тушунчалар таъсирига тушиб қоладилар ва ўз маъноларини ўзгартирадилар[7]”. Бошқа томондан, дунёнинг лингвистик тасвирининг асосий хусусияти, унинг яхлит табиати, яъни тўлиқ мазмуни ва расмий яхлитлиги ва тўлиқлиги - “дунёнинг лингвистик тасвири ҳамма нарсани қамраб олади ва унга кириб боради; дунёнинг лингвистик тасвирининг яхлитлигини, унинг алоҳида бўлакларини таҳлил қилишда кўздан кочирмаслик керак [8]”.

Бир халқнинг когнитив онгида концепциянинг лингвистик, когнитив ва лингвосоциал аҳамиятлилигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири унинг нутқдаги

лингвистик тасвирларининг частотасидир. Коммуникатив долзарблик қонунига кўра, “дўстлик” концепциясини нутқда акс эттириш частотаси доимий равишда ошиб бормоқда, бу унинг миллий концептуал соҳанинг таркибий қисми ва инглиззабон жамият учун маданий аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради.

Кўпинча, дўстлик тушунчасига бўлган муносабат бир хил эмас, бу бизга ушбу ҳодиса кўп қиррали ва кенг тарқалганлиги, шу жумладан лингвистик маконда ўз ўрнига эга деган хулосага келишимизга имкон беради. Мисол учун:

«A best friend is always there, whether you need advice» (*Renee Duvall*)

«A friend is someone who fills our lives, with beauty, joy and grace. And make the world we live in, a better and happier place» (*Samantha Sumler*)

“A good friend will always stab you in the front ” ([Oscar Wilde](#))

“He that cannot forgive others, breaks the bridge over which he must pass himself; for every man has need to be forgiven.” (*Edward Herbert*)

Шеърят аҳли “дўстлик” тушунчасига ижобий томондан қарашган. Улар энг яхши дўстни маслаҳатчи сифатида тасвирлайдилар, дўстни хазина билан солиштирадилар. Уларнинг тушунишига кўра, дўст - бу ҳаётни гўзаллик, қувонч ва иноят билан тўлдиради ва дунёни яхшироқ ва бахтли жойга айлантиради деб фикр юритишади.

Кўп луғатларда «Friendship» тушунчаси турли йўллар билан турли маънода кўриб чиқилади, масалан, инглиз тилида «Friendship» - бу кимгадир ўзаро ҳамдардлик кўрсатадиган, одатда жинсий ва оилавий муносабатларни истисно қиладиган, шунингдек жамоавийликни қўллаб-қувватлайдиган, моддий ёки бошқа ёрдам бериш орқали шакллланган инсондир [9].

Oxford Thesaurus of English, луғатида «Friend» лексемаси тўрт маънога эга:

- сизга ёқадиган ва сиз уни яхши биладиган одам, лекин у сизнинг оилангиз аъзоси эмас;

- умумий ишни, ташкилотни аъзоси ёки хайрия қилган пулини қўллаб - қувватлайдиган шахс;

- сиз билан бир мамлакат ёки гуруҳдан бўлган, эҳтимол бир хил қараш ва манфаатларга эга бўлган одам;

- сизга жуда зарур ёки таниш нарса [10].

Инглиз тилидаги “дўст” сўзи кўпинча рус тилидаги “таниш” сўзига яқин келади. Америкалик учун дўст - бу синфдоши, голф бўйича шериги, баъзида черковда учрашадиган ҳамроҳи ва ҳақиқатан ҳам яқин дўстидир. Кўп ҳолларда америкаликлар учун “дўст” - бу америкаликнинг бўш вақтларида бирга вақт ўтказадиган ҳамроҳидир лекин, сирларини ишонадиган, фикрлари ва ҳис -туйғулари билан ўртоқлашадиган инсон сифатида шакллланмайди.

ХУЛОСА. Инглиззабонлар дунёқарашида дўстлик тушунчаси тезроқ бошланади. Британияликлар дўстлик тушунчасида потенциал фойдани ҳисоблаш истаги билан ажралиб туради. Дўстга бўлган ишонч ҳисси, ўзаро тушуниш, ишонч инсонга психологик қулайлик ҳиссини келтириб чиқаради. Қўллаб-қувватлаш ва ёрдам бериш дўстликда қурбон бўлиш хусусиятига эга. Бунга параллел равишда инглизларда дўстлик ўзининг мустақил бўлишлиги билан ажралиб туради, чунки инглизлар бундай муносабатларда маълум бир масофани сақлайдилар. Бундай ҳодиса инсонда хиёнатдан ўзига хос хавфсизликни таъминлайди. Ижтимоий мавқеининг ўзгариши туфайли дўстлик тугаши мумкин ва дўстнинг мақоми ҳам “собиқ дўст” га ўзгаради. Ҳаёт ва воқеаларга бўлган қарашлардаги фарқ дўстликни бузиши мумкин, лекин кечириш қобилияти ва иродаси бундай қийинчиликлардан омон қолишга ёрдам беради. Дўстлик тиклангач, дўстдан катта садоқат ва содиқлик талаб қилинади. Концептни ўрганишдаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, инглиз/америкалик дунёқарашидаги дўстлик концепциясининг бузилиши ёки бу ҳиссиётнинг йўқ бўлиб кетиши инсонда изтироб чекиш, азобланиш туйғуларини уйғотмайди. Бу ҳиссиёт улар учун ўткинчи бир туйғу ҳисобланади холос.

Шундай қилиб, инглиз тилидаги “дўстлик” концепти ўзига хос хусусиятларга эга, табиийки, инглиз тилида сўзлашувчи жамият ўз хулқ-атвори, дунёни англаш тушунчаси билан ажралиб туради, бу тушунчанинг асосий фарқловчи томони ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Roget's Thesaurus. - London: Penguin books, 1978. - 1309 p.
2. Хизова М.А. Концепт «дружба» в русской и английской лингвокультурах. Дис. ... канд. филол. наук. -М.: РГБ,, 2005
3. Зацепина Е.В. Вербализация концепта «друг» в немецких и русских паремиях: на материале переводов немецких пьес эпохи романтизма. ... канд. филол. наук. 2010.
4. Толчина, Н.Ю. Репрезентация концепта «дружба» в разговорной речи (на материале русского и английского языков). Вестник Адыгейского государственного ун-та. - Серия: Филология и искусствоведение. - Майкоп: АГУ, 2010. - Вып. 1. - С. 176-181.
5. Адмони В.Г. Грамматический строй как система построения и общая теория грамматики. - Л.: Наука[Ленингр. отделение], 1988. - 239 с.
6. Фрумкина Р. М. Концептуальный анализ с точки зрения лингвиста и психолога // НТИ, 1992. - Сер. 2, № 3, С.31
7. Ляхнеэнмяки М. Перевод и интерпретация: о некоторых предположениях и мифологемах // Теоретическая и прикладная лингвистика. Вып. 1: Проблемы философии языка и сопоставительной лингвистики. - Воронеж, 1999. - С. 32-45.
8. Пиаже Ж. Психология интеллекта. Избранные психологические труды. - М., 1969. - С. 212-213.
9. Oxford Thesaurus of English. Second edition. - Oxford: Oxford University Press, 2004. - 1072 p.